



Ислом Нури

Ҳожи биродар, келинг, навбатдаги мактубимизда кўпчилик хожилар томонидан билмасдан ёки эътиборсизлик билан содир бўладиган хатоларни айтиб ўтайлик.

1. Ихром кийиш вақтида содир бўладиган хатолар:

- Мийкотдан ихром киймаслик.
- Ихром боғлаганда оёқ кийимини киймаган бўлса, кейин кийиб бўлмайди, деб эътикод қилиш.
- Ихром кийимини алмаштириб бўлмайди, деб ўйламок.
- Ихром ҳолатида доим ўнг елкани очиб юриш. Холбуки, бу амал товофулқудумда бўлади ҳолос.
- Ихром боғлаганда икки ракаат намоз ўқиш фарз деб эътикод қилиш.

2. Мийкотдан масжидул-харомга боришда учрайдиган хатолар:

- Талбия айтмай бошқа сўзлар билан овора бўлиш, бундан ҳам ёмонроғи вақтини ашула эшитишга ўхшаш харом амаллар билан ўтказиш.
- Талбияни жўр бўлиб айтиш.

3. Масжидул-харомга киришда учрайдиган хатолар:

- Харамга муайян эшикдан кириш керак деб эътикод қилиш.
- Харамга киришда муайян дуоларни ўқиш, холбуки, харамга кириш



Ислом Нури

учун махсус дуолар йўқ. Балки, пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам хар кандай масжидга, шу жумладан масжидул-харомга ҳам киришда айтиладиган дуони ўргатганлар.

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ
اَللّٰهُمَّ اِنِّیْ اَسْئَلُکَ الْجَنَّةَ
وَالْجَنَّةَ الْاَوْسَطَیْنَ وَارْتَدَّیْتُ
اِلَیْکَ اِسْتِغْثِیْ اِلَیْکَ اِسْتِغْثِیْ

«Бисмиллах, вассолату вассаламу ала росулиллах, аллохуммагфирли зунубий вафтахий абваба рохматик»

- Масжидул-харомга кирганда, тавоф килмасдан ўтириб бўлмайди, деб эътикод килиш. Аслида масжидул-харомда ҳам, бошқа масжидлардагидек икки ракаат намоз ўкигандан сўнг ўтирса бўлади.

4. Тавофда учрайдиган хатолар:

- Тавоф олдиндиган ниятни талаффуз килиш. Айримлар эй парвардигор, етти бор тавоф килишни ният килдим дейишади. Бу амал пайгамбаримиз саллоллоху алайхи ва салламдан ҳам, улуг саҳобалардан ҳам накл килинмаган.
- Тавофни хажарул-асвад олдидан бошламаслик.
- Хажарул-асвад ва рукнул-ямоний ёнида каттик тикилинч хосил килиш.
- Хажарул-асвадни ўпмаса тавоф қабул бўлмайди, деб эътикод килиш.
- Рукнул-ямонийни ўпиш.
- Рамлни хар шавт (айланиш) да бажариш. Рамлни аввалги уч шавтда



Ислом Нури

килиш эркакларгагина суннатдир.

- Хар бир айланишда муайян дуо ўқиш.
- Тавоф вақтида хижр ичига кириш тавофни бузади. Чунки хижр каъбанинг бир кисмидир.
- Тавоф вақтида каъбага чап елкани бермаслик. Масалан, баъзилар аёлларини одамлардан тўсаман деб каъбага ўнг томонини олидини ёки орқасини килиб ўтади. Айланаётган вақтда каъба кишининг чап томонида туриши тавоф шартларидан бўлгани учун бундай кишиларнинг тавофи қабул бўлмай қолиши мумкин.
- Каъбанинг ҳамма томонларини ўпиш.
- Баланд овоз билан дуо килиш. Бу хушўни кеткизади, байтуллохнинг хурматига тўғри келмайди ва тавоф килувчиларнинг тинчини бузади. Одамларнинг ибодатларига халакит бериш эса мункар-ёмон иш ҳисобланади.
- Тавофнинг икки ракаат суннاتини макоми Иброҳимга яқин жойда ўқиш шарт, деб ўйлаб, тавоф килувчиларни сиқиш ва уларга азият етказиш.
- Мазкур икки ракаатни узок, чўзиб ўқиш суннатга зид ишдир. Чунки, пайгамбар саллоллоху алайҳи ва саллам бу ўринда намозни енгил ўқиганлар. Намозни узок, чўзиб ўқиган киши тавоф килувчиларга озор беради ва бу ўринга ҳаклирок бўлган кишиларнинг жойини банд қилади.
- Макоми Иброҳим учун махсус дуо ўқиш. Бу бидъатнинг устига-устак



Ислом Нури

- Умрага кийган ихромини кийиш дуруст эмас, деб эътикод килиш.
- Минога кетаётганда овоз чиқариб талбия айтмаслик.
- Тўғри Арафотга бориш.
- Маккада қолиб, Минога бормаслик.
- Минода намозларни тўлик, қаср қилмасдан ўқиш.
- Минода намозларни жам қилиб ўқиш.

8. Арафотга кетаётгандаги ва Арафотда тургандаги хатолар:

- Арафотга кетаётганда овоз чиқариб талбия айтмаслик.
- Қун огганидан сўнг Арафотдан ташқарида туриш.
- Қиблага қарамасдан «Жабалур-роҳма» тоғига қараб туриш.
- Тоғнинг орқасида туриш зарур, деб ўйлаш.
- Арафотдаги дарахтларни синдириш жойиз эмас деб эътикод килиш.
- Тоғни ўзига хос муқаддаслиги бор деб эътикод қилиб, устига чиқиб намоз ўқиш ва дарахтларига латта осиб.
- Пешин ва аср намозларини қийналса ҳам имом билан масжиди Намирада ўқиш фарз деб ўйлаш.
- Арафотдан қуёш ботишидан олдин чиқиб кетиш.



Ислом Нури

· Вактни бефойда ўтказиш. Айникса, харом килинган ишлар – суратга тушиш, ашула-мусика эшитиш, ахлоксиз, ёмон гаплар сўзлаш, одамларни ранжитиш каби ишлар билан шугулланиш гунохнинг яна ортишига сабаб бўлади.

9. Муздалифага боришда содир бўладиган хатолар:

- Хаддан ташқари тез юриш.
- Муздалифага етмасдан йўлда тунаб қолиш.
- Шом ва хуфтан намозини йўлда, Муздалифага етмасдан ўқиш.
- Хуфтан намозини вақтидан кечиктириш. Масалан, баъзи хожилар Муздалифага етганда ўқиймиз, деб ярим кечадан ҳам кечиктириб юборадилар. Бу жуда катта хатодир.
- Бомдод намозини эрта ўқиш. Баъзи хожилар – Аллох хидоят берсин – тонг отишини кутиб турмайдилар, хожилардан бири азон айтганини эшитишлари билан вақт кирмаган бўлса ҳам намоз ўқийверадиладар.
- Муздалифадан тунда, бомдод намозидан олдин чиқиб кетиш.
- Кечани беҳуда гап – сафсаталар билан ёки харом ишлар билан ўтказиш.
- Муздалифада куёш чиккунча қолиш.
- Тошни Муздалифадан териш олиш шарт деб ўйлаш.

10. Тош отишда учрайдиган хатолар:



Ислом Нури

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам тош отишдаги хикматни куйидаги хадисда баён килиб берганлар: «Байтуллохни тавоф килиш, Сафо-Марва орасида югуриш ва тош отиш Аллохни зикр килиш – ёдга олиш учун машруъ килинди, бошка нарса учун эмас».

- Тошни ювиш ёки хушбўй килиш (атир сепиш).
- Жамаротларни шайтон, деб ўйлаш. Бу хато эътикоддир. Зеро, биз факат Аллохни ёдга олиш – зикр этиш максатида, у Зот илохийга куллик-бандалик изхор килиш учунгина тош отишга буюрилганмиз. Юкоридаги нотўғри эътикод окибатида ниҳоятда хунук ишлар келиб чиқади. Биргина шу мисолни олайлик: Айрим хожилар каерда эканликларини унутадиларда, одамларга озор бериб, кахр билан олдинга ташланадилар. «Жанг майдонида душман сари олга бораётган» бу «кахрамонлар» тош отиш билан Аллох таъолога бандалик киялпман, ибодат киялпман, деган ўйни хаёлларининг кўчасига хам келтиришмаса керак.

Окибатда хотиржам, тинчгина тош отиб, Аллохни ёд этиш ўрнига бенихоя аклсиз ишлар килинаётганини – катта-катта тошлар, турли тахта бўлаклари, оёк кийимлар ва соябонлар дўлдек ёгилаётганини кўрасиз.

- Тошлар устунга тегиши шарт, деб ўйлаш.
- Тош отишга курби етса хам, ўзи отмасдан, бошка кишини ўзининг ўрнига жўнатиш.
- Муздалифанинг тошидан бошка тошни отиш жоиз эмас, деб ўйлаш. Тўғриси, хар кандай жойнинг тоши бўлаверади.



Ислом Нури

- Тартибсиз ёки тескари отиш.
- Вақтидан олдин отиш.
- Еттитадан оз отиш.
- Биринчи ва иккинчи жамрадан сўнг дуо қилмаслик.
- Белгиланганидан ортик отиш.

11. Минода учрайдиган хатолар:

- Минода кечаси қолмасдан, беузр кетиб қолиш. Шунингдек, тузукрок текшириб ўзига Минода жой изламаслик. Фақат жой умуман топилмай қолгандагина Макка ёки Азияда туриш мумкин бўлади.
- Минодан 12-кун кун огиши- тушдан олдин чиқиб кетиш.
- Абу Довуд 465-ҳадис, Абу Усайд ал-Ансорийдан, Тирмизий 314- ҳадис ва Ибн Можа 771- ҳадис Фотимадан ривоят қилишган.
- Кичик одимлаб тез юриш.
- Қаъбанинг шимолий томонида ярим доира шаклида ихота қилиб қўйилган жой.
- Хушуъ - Аллохнинг буюқлигини, унинг ҳамма нарсаларни билиб туривчи меҳрибон, айна пайтда, қаҳри қаттиқ бир зот эканини чуқур хис эттириб, қилган гуноҳларига, агар Аллох ўз марҳаматига олмаса, азоб қелишини сездириб, юракни титратиб туривчи ички бир



туйгудир.

- Имом Ахмад 75, 139, 6416- хадислар, Ибн Абу Шайба («Мусаннаф» 432- хадис) Абу Довуд 1888- хадис, Хатиб «Тарихи Бағдод» 11/311 ва Ибн Хузайма 2882, 2970- хадисларда Оиша онамиздан ривоят килишган.